

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУДИЯРОВ КИШИБАЙ РАМАТУЛЛАЕВИЧ

**КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА
ФЙДАЛАНИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Қудияров Кишибай Раматуллаевич

Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда
солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш.....3

Қудияров Кишибай Раматуллаевич

Совершенствование механизма налогообложения в рациональном
использовании финансовых ресурсов предприятий.....25

Kudiyarov Kishibay Ramatullaevich

Improvement of the taxation mechanism in the rational use of financial resources
of enterprise.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУДИЯРОВ КИШИБАЙ РАМАТУЛЛАЕВИЧ

**КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА
ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.4.PhD/Iqt420 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошматов Шухрат Амонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ташмурадова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тўраев Шавкат Шухратович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида охириги йилларда жаҳон иқтисодиётида солиқларнинг умумий ставкаси пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Маълумотларига кўра, 2012 йилда солиқларнинг умумий ставкаси 44,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу 40,5 фоизга тенг бўлиб, 4,3 фоизли пунктга пасайган. Жумладан, Осиё ва Тинч океани минтақасида ушбу кўрсаткич деярли ўзгармаган, Африка қитъаси давлатларида 10,3 фоизли пунктга (57,4 фоиздан 47,1 фоизга), Европа Иттифоқи ва Европа эркин савдо уюшмасига аъзо давлатларда 3,0 фоизли пунктга (42,6 фоиздан 39,6 фоизга), Жанубий Америка мамлакатларида 1,2 фоизли пунктга (53,5 фоиздан 52,6 фоизга), Шимолий Америка давлатларида 3,1 фоизли пунктга (42,0 фоиздан 38,9 фоизга), Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларида 7,9 фоизли пунктга (41,3 фоиздан 33,4 фоизга) пасайган¹.

Ҳозирда жаҳон миқёсида турли кўламдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, хусусан: корхоналарни солиққа тортиш тизими самарадорлигини таъминлаш; солиққа тортиш тизимида юзага келадиган ноаниқликлар ва солиқ юкининг ўта юқори даражасининг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаоллигига таъсири; корхоналар томонидан тўланадиган турли солиқларни оптималлаштириш; фискал эркинлик мезонларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, иқтисодий фаолиятнинг диверсификациялашуви, корпоратив мулк шаклининг кенгайиб бориши шароитида молиявий ресурс ва манбалардан оқилона фойдаланишнинг замонавий усул ва воситаларини татбиқ этиш муҳим илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар таркибида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишидаги чора-тадбирлар муҳим ўрин эгалламоқда. Жумладан, мамлакатда «барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, ...тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозим»² эканлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2018 йилда қабул қилинган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг муҳим еттита йўналиши белгилаб олинди. 2019 йилдан солиқ сиёсати замонавий концепциясининг жорий этилиши корхоналарни солиққа тортиш тизимида жиддий ўзгаришларни

¹Манба: PwC-paying-taxes-2018; PwC-paying-taxes-2013. - <https://www.pwc.com/>

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – Б.55.

кўзда тутати, жумладан, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар сонининг кескин қисқариши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши корхоналар молиявий ресурслари ошишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги, 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва солиқ соҳасига тегишли бошқа меъорий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа тортишнинг назарий-концептуал асослари классик ва хорижлик иқтисодчи олимлар У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Кейнс, А.Лаффер, Й.Ланг, Г.Менкью ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган бўлиб, улар томонидан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида солиққа тортишнинг умумий қонуниятлари ва асосий принциплари шакллантирилган³.

Шунингдек, Ж.Фрибейрн, С.Барулин, Б.Неррэ, Д.Стойлова, В.Титов, Н.Миляков, Д.Черник, Т.Юткина ва бошқалар солиқ тизими ҳамда солиққа тортишни такомиллаштириш муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб боришган⁴.

³Антология экономической классики. Т.1. (В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) / Предисловие И.А.Столярова. – М.: 1991; Laffer A. The Laffer Curve: Past, Present and Future. The Heritage Foundation, 1 June, No. 1765. 2004.; Ланг Й. Проект кодекса налоговых законов для государств Центральной и Восточной Европы. Бонн, 1993; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. – СПб.: Питер Ком, 1999.

⁴Freebairn J. Comparison of a lower corporate in cometaxrate for small and large businesses // eJournal of Tax Research 2017 vol. 15; Барулин С.В., Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России //

Солиққа тортишни такомиллаштиришга турлича ёндашувлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар М.Алмарданов, О.Олимжонов, Т.Маликов, Ш.Тошматов, Б.Ташмурадова, Қ.Яҳёев ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁵. Шунингдек, Ж.Есмурзаев, М.Абишов ва А.Мусагалиев ва бошқалар томонидан Қорақалпоғистон Республикасида солиқ соҳасига оид илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ, юқорида санаб ўтилган ишларда корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиқ механизмини такомиллаштириш масалаларига етарли эътибор қаратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг «Молия» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналар молиявий ресурсларини шакллантиришнинг назарий асосларини ўрганиш;

солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва таснифланиш хусусиятларини илмий тадқиқ этиш;

корхоналарни солиққа тортишнинг хориж тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида ундан республикада фойдаланиш йўналишларини очиқ бериш;

корхоналар молиявий фаолиятига таъсир этувчи омиллар таркибида солиқлар улушининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;

корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантиришга мулкый ва ресурс солиқларининг таъсирини таҳлил қилиш;

фойдадан олинадиган солиқларнинг корхоналар молиявий натижаларига таъсирини тадқиқ қилиш;

корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқ солинадиган базани ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Финансы. – М., 2003. №4; Nerre B. Tax Culture: A Basic Concept for Tax Politics // Economic analysis & Policy vol. 38.2008.; Stoilova D. Tax structure and economic growth: Evidence from the European Union/ Contaduria y Administracion 62. 2017; Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия //Финансы. – М., 2006. №2; Миляков Н.В. Налоги и налогообложения: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2006; Черник Д.Г. Налоги: Учеб пособие. – М.: Финансы и статистика, 1996; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2002.

⁵Алмарданов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. – Т., 2003; Олимжонов О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи // Солиқ тўловчининг журнали, 2006. №6; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т., 2002.; Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т., 2008; Ташмурадова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. автореф. – Т., 2007; Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т., 2000.

корхоналарда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишда ягона ижтимоий тўлов ставкаларини табақалаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган реал сектор корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот давомида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш, прогнозлаштириш, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкасини босқичма-босқич пасайтириш орқали корхоналар молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда солиқ солиш механизмининг таъсирчанлигини ошириш асосланган;

корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар таркибини молиявий ҳисоботларнинг ўрнатилган меъёрдан ташқари ўтказилган аудит харажатлари ҳамда нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмаларни чиқариб ташлаш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи реал сектор корхоналарда солиқ солинадиган объекти илмий асосга эга бўлмаган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш орқали молиявий ресурслар четланишининг олдини олиш тартиби асосланган;

корхоналар томонидан норасмий равишда меҳнатга жалб этилаётган ходимлар сонини кескин камайтириш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ставкалари корхоналарнинг миқёси ва ижтимоий масъулиятидан келиб чиқиб табақалаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасидаги реал сектор корхоналарининг таҳлилига асосланиб, корхоналар молиявий ресурслари қийматининг ошишига сотишдан тушган соф тушумдаги жами солиқлар улушининг камайиши ижобий таъсир этиши, бунда мол-мулк солиғи улушининг 1 фоизга камайиши молиявий ресурслар қийматининг 2,6 фоизга ошишига олиб келиши илмий асосланган;

корхоналарда фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашдаги чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида солиқ қонунчилигидаги имтиёزلарни бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш ва солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайдиган харажатлар таркибини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

сотишдан тушган соф тушумга нисбатан ҳисобланадиган мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни йирик корхоналарнинг молиявий фаолиятига таъсирини бартараф этиш юзасидан амалий тавсия берилган;

Қорақалпоғистон Республикасидаги донни қайта ишлаш, пахтани қайта ишлаш корхоналари ҳамда ёғ-мой комбинатларида ялпи фойдадаги ягона ижтимоий тўловнинг улуши охирги беш йилда ошиш тенденциясига эгаллиги аниқланиб, республикада ягона ижтимоий тўлов ставкасини корхоналарнинг катталиги ва фаолият туридан келиб чиқиб табақалаштириш зарурлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда фойдаланилган ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг солиққа тортиш хусусидаги илмий-назарий қарашларини ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Солиқ бошқармаси ва реал сектор корхоналари ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация иши натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклифлар, амалий тавсияларни Ўзбекистон Республикасида реал сектор корхоналарининг иқтисодий фаолияти солиқлар воситасида рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар ва «йўл харита»лари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг тегишли натижаларидан «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Молия ва солиқлар» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланишда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвестициялар оқимларини асосий капиталга йўналтиришни солиқлар воситасида рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаларини босқичма-босқич 2 фоизгача тушириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 6 августдаги 16/1-17473-сонли, «Чимбой дон» масъулияти чекланган жамиятнинг 2018 йил 27 октябрдаги 71-сонли маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «Чимбой дон» МЧЖда бир йил

мобайнида 352,2 млн. сўм ҳажмидаги молиявий ресурсларнинг корхона ихтиёрида қолишига имкон яратилган;

солиқ қонунчилигида юридик шахсларга солиқлар бўйича берилган имтиёзлар манзиллигини ошириш ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайдиган харажатлар таркибини такомиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 6 августдаги 16/1-17473-сонли маълумотномаси). Натижада корхоналарда фойда солиғи бўйича имтиёзларни қўллашда қонунчиликнинг турли хил талқин қилинишига барҳам берилган;

йирик корхоналардан ундириладиган солиқ солинадиган объекти илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланмаган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармонида ўз аксини топган (Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасининг 2018 йил 7 сентябрдаги 11-07329-сонли маълумотномаси). Натижада бир йил мобайнида 3063,2 млн. сўм ҳажмдаги молиявий маблағлар Қорақалпоғистон Республикасидаги донни қайта ишлаш корхоналари ихтиёрида қолдирилиши аниқланган;

корхоналар томонидан норасмий равишда меҳнатга жалб этилаётган ходимлар сонини кескин камайтириш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ставкалари корхоналарнинг миқёси ва ижтимоий масъулиятидан келиб чиқиб табақалаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 6 августдаги 16/1-17473-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида юридик шахс кўринишидаги корхоналарда маҳсулот ва хизматлар нархини шакллантиришда соғлом рақобат муҳитининг яратилишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 9 та республика илмий–амалий конференцияларда апробациялардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан 1 та ўқув-услубий қўлланма, 9 та мақола, 15 та тезис, жумладан, хорижий журналларда 2 та мақола ва 3 та тезис, республика журналларида 7 та мақола ва 12 та тезис, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия

этилган нашрларда 6 та республика, хорижий журналларда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 146 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалий ва илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантириш ва солиқ солишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида корхоналарда молиявий ресурсларни шакллантиришнинг назарий асослари ва зарурияти, солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва таснифланиши, корхоналарни солиққа тортишнинг хориж тажрибаси тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосалар шакллантирилган.

Халқаро ва миллий адабиётларда молиявий ресурсларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилмоқда. Молиявий ресурсларнинг иқтисодий мазмуни ва амалий жиҳатлари қатор олим ва мутахассислар томонидан ёритилган. Жумладан, иқтисодчи олим А.В.Грачев «молиявий барқарорлик» ва «молиявий барқарорликни таъминлаш»ни ўзининг молиявий мажбуриятларини белгиланган муддатда бажариш учун ресурсларни жамғариш нуқтаи-назаридан кўриб чиққан ҳолда уларни тўлов қобилияти билан боғлайди⁶. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Р.Дўсмуратов фикрича «молиявий ресурслар – бу объектив макроиқтисодий категория бўлиб, унинг мазмуни иқтисодиётнинг моддий-молиявий мутаносиблиги билан белгиланади. Молиявий ресурслар кирими ва чиқимининг тенглиги шундан далолат берадики, миллий хўжаликни ривожлантириш харажатларини молиялаштириш натижасида корхоналарда тўлов қобилияти вужудга келади, давлат бошқаруви органлари фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг моддий таъминоти вужудга келади. Шунинг учун, моддий-молиявий мутаносиблик шарти молиявий ресурслар суммасининг моддий бойликлар ҳажмига мослиги ва улар тушуми ҳамда сарфланишининг тенглиги сифатида тасвирланиши мумкин»⁷.

⁶Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия. От бух учета экономического. Учеб. практ. пособие. – М.: Финпресс, 2002. – 208 с.

⁷ Dushmuratov R.D. Moliya. – Toshkent: «Fan vatexnologiya», 2013. - 28-b.

Фаолият юритаётган корхона молиявий ресурсларининг манбаи сотилган маҳсулот ёки хизмат нархи ҳисобланади, тушумни тақсимлаш жараёнида унинг турли қисмлари пул даромадлари ва жамғармалари шаклини олади. Молиявий ресурслар фойда, амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланади. Шу билан бирга молиявий ресурслар манбаларига: эскирган мулкни сотишдан тушган даромад, барқарор пассивлар, турли мақсадли тушумлар киритилади.

Корхонанинг молиявий ресурсларини ишлатиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

молиявий мажбуриятларни бажариш мақсадида тегишли молия ташкилотлари ва давлат органларига тўловлар (бюджетга солиқларни тўлаш, ишлатилган кредит учун фоиз тўлови ва ҳ.к.);

технологияни янгилаш, ноу-хау, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқалар билан боғлиқ капитал харажатларига ўзлик маблағларини жалб этиш;

молиявий бозордан сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлар учун молиявий ресурсларни жалб қилиш (акция, облигация ва ҳоказо);

молиявий ресурсларни ижтимоий рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган пул фондларини ташкил этиш учун йўналтириш;

молиявий ресурсларни хайрия, ҳомийлик ва бошқа мақсадлар учун ишлатиш;

молиявий ресурслар барқарорлигини таъминлаш учун соҳаларда бюджетлаштириш принципларини мувофиқлаштириш лозим⁸.

Корхона молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш нафақат корхона иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, шу билан бирга, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Маълумки, бугунги кунда корхона молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ривожлантириш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз тасарруфидаги барча ресурслар – молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари ҳаракати ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри бошқаришни таъминлаши зарур бўлади.

Барқарор ривожланишни таъминлаш иқтисодиёт олдида қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Самарадорлик хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижаларида ўз аксини топади. Корхона молиявий ресурсларини тўғри бошқариш учун корхонанинг молиявий аҳволи, ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлиги, молиявий натижалар тўғри аниқланиши ҳамда таҳлил қилиниши керак.

Диссертациянинг «**Корхоналар молиявий фаолиятига солиққа тортиш механизмининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида

⁸ Синдаров Ш. Корхоналар молиявий ресурслари ва уларнинг таркибий тузилиши. Тошкент ахборот технологиялари университети. – Тошкент, 2016.

корхоналар молиявий фаолиятига таъсир этувчи омиллар таркибида солиқларнинг улуши ва ўзгариш тенденцияси, мулк объектлари, ресурслар ҳамда фойдадан олинадиган солиқларнинг корхоналар молиявий натижаларига таъсири илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг ички ва ташқи муҳитига объектив ва субъектив омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур омиллар назарий ва амалий жиҳатдан таснифланади. Шундан келиб чиқиб, фикримизча, солиқлар объектив омиллар қаторига киритилади. Солиқлар корхонанинг иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Сабаби, корхонага тўғри келадиган солиқ юки корхона томонидан тўланадиган солиқлар ставкалари асосида сотиладиган маҳсулот ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади. Корхона фаолиятига солиқларнинг таъсир этиш тенденциялари эса солиқ ставкалари, хомашё таннари ва маҳсулотнинг сотиш нархи ва бошқа таъсирлар натижасида ўзгариб туради.

Тадқиқот ишида танланган тадқиқот объектлари мисолида солиқларнинг ўзгариш тенденциялари ўрганилганда, республикада реал сектор корхоналарида солиқ юкини камайтириш бўйича олиб борилаётган чоратadbирларнинг ижобий таъсири кузатилган.

Хусусан, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида 2017 йилда 2013 йилга нисбатан жами ҳисобланган солиқларнинг сотишдан тушган тушумдаги улуши 0,2 фоизли пунктга ортган. Сабаби, 2017 йилда ушбу корхоналар молиявий фаолиятини зарар билан яқунлаши сабабли фойда ва инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламаган (1-расм).



1-расм. Қорақалпоғистон Республикасида донни қайта ишлаш корхоналарида жами солиқларнинг сотишдан тушган соф тушум ва ялпи фойдадаги улуши⁹

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, 2016 йилга қадар дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида барча молиявий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга. Айниқса, сотишдан тушган тушум ва ялпи фойданинг ўсиш кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори бўлиб, ушбу кўрсаткичларга мос равишда ҳисобланган солиқ ва мажбурий ажратмалар миқдори мутлақ ҳамда нисбий кўрсаткичларда ўсиш тенденциясини намоён этган. 2017 йилда мазкур корхоналар йилни зарар билан яқунлаши аҳолини


⁹Донни қайта ишлаш корхоналари ҳисоботлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган бўлиб, хомашё таннархининг тайёр маҳсулотга нисбатан юқори бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда корхоналар мол-мулкига солинадиган солиқ 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонунига асосан жорий этилган¹⁰.

Мол-мулк солиғи тушумлари маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаларидан бири саналади. Солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишнинг мақсади корхоналар хўжалик фаолиятидаги мулклардан самарали фойдаланишига эришишни назарда тутати. Мол-мулк солиғи корхоналарда эскирган кўп харажат талаб этувчи ускуналар ўрнига замонавий тежамкор ускуналарни ўрнатишга бўлган қизиқишини рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

2-расм маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатларида мулк ва ресурс солиқларини сотишдан тушган тушумдаги улуши 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга пасайган.



2-расм. Мулкий ва ресурс солиқларининг Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатлари молиявий фаолиятига таъсири¹¹

Хулоса ўрнида, ёғ-мой комбинатларида сотишдан тушган тушумнинг барқарор равишда жуда юқори суръат билан ўсиб бориши таъсирида мулк ва ресурс солиқларининг сотишдан тушган тушумдаги улуши камайган.


¹⁰Vahobov A.V., Jo'rayev A.S. Soliqlar va soliqla tortish. – Toshkent: “SHARQ”, 2009.

¹¹Муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатлари ҳисоботлари асосида тузилган.

Ушбу корхоналарда таҳлил қилинаётган йилларда мулкӣ ва ресурс солиқлари ставкалари ўзгаришсиз қолган. Сотишдан тушган соф тушумда маҳсулот нархининг ортиб бориши ҳам бунга сабаб бўлган.

Умуман, ёғ-мой комбинатларида молиявий ресурсларнинг шаклланишида ялпи фойда ва сотишдан тушган соф тушумнинг юқори суръатларда ўсишини кўриш мумкин. Шу ўринда ялпи фойдага нисбатан мулкӣ ва ресурс солиқларининг улуши ҳам пасайиш тенденциясига эга.

Таҳлилларни давом эттирган ҳолда, тадқиқот объекти бўлган Қорақалпоғистон Республикаси дон корхоналари молиявий ресурсларига фойда солиғининг таъсирини кўриб чиқамиз (3-расм).



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси донни қайта ишлаш корхоналарида фойда солиғининг ялпи фойда ва солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши таҳлили¹²


Маълумотларга кўра, дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида 2016 йилга қадар ялпи фойда ва солиқ тўлагунга қадар фойда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Таҳлил қилинаётган «Чимбой дон» корхонасида ўртача кўрсаткичга нисбатан паст бўлиб, 2016 йилда 2013 йилга нисбатан фойда солиғининг ялпи фойдадаги улуши 0,2 фоизли пунктга пасайган. Фойда солиғининг солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши 2013 йилда 13,9 фоизни ташки этган

¹² Муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикаси донни қайта ишлаш корхоналари ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган.

бўлса, 2015 йилга келиб эса деярли икки баробар пасайиш тенденцияси кузатилган, бу кўрсаткич 7,9 фоизни ташкил этмоқда. 2017 йилда корхона молиявий фаолиятини зарар билан яқунлаши туфайли фойда солиғини тўламаган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, корхона маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хомашё таннархининг юқори бўлиши, аҳолини арзон ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш ва шу аснода халқни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тайёр маҳсулот паст нархда реализация қилинган.



4-расм. Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш корхоналарида фойда солиғининг ялпи фойдадаги ва солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши¹³

4-расм маълумотлари орқали пахта тозалаш корхоналари молиявий фаолияти таҳлил қилинаётган даврда уларнинг фойда билан фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Ушбу пахта тозалаш корхоналари молиявий натижаларига кўра, 2013 йилда фойда солиғининг ялпи фойдадаги ўртача улуши 1,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 5,1 фоизгача ошганлигини кўриш мумкин. 2017 йилда ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан таққослаганда 1 фоизли пунктга пасайиб 1,4 фоизга тенг бўлган. 2017 йилда таҳлил қилинаётган даврдаги фойда солиғининг ялпи фойдадаги улуши энг паст кўрсаткичга эришганлигининг сабаби сифатида, фойда солиғи ставкасининг 2013 йилда 9 фоиздан 2017 йилда эса 7,5 фоизгача пасайтирилганлигини кўрсатиш мумкин.

Мазкур ҳолатнинг ўзи фойда солиғининг ялпи фойдадаги ва солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улушининг камайишига олиб келади, бу эса ўз-ўзидан корхоналар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Корхоналар ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг ортиши эса уларнинг ривожланиб бориши омили бўлмоқда. Шунингдек, ушбу пахта тозалаш корхоналарида 2013 йилда фойда солиғининг солиқ тўлагунга қадар фойдадаги улуши 9,8 фоизни ташкил этган, 2017 йилга келиб ушбу кўрсаткич 8,1 фоизга тенг бўлиб, 1,7 фоизли пунктга пасайган.

¹³Муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш корхоналари ҳисоботлари асосида тузилган.

Келтирилган маълумотлар асосида амалга оширилган таҳлиллар натижасида пахта тозалаш корхоналари фаолияти бўйича қуйидаги хулосага келинди: 2017 йилга қадар пахта тозалаш корхоналарида барча молиявий кўрсаткичлар ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ялпи фойда ва солиқ тўлагунга қадар фойда кўрсаткичлари юқори, бу кўрсаткичларга мос равишда ҳисобланган фойда солиғи маълум даражада пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Корхонада молиявий натижа кўрсаткичларининг (ялпи фойда, солиқ тўлагунга қадар фойданинг) ҳисобланган фойда солиғига нисбатан юқорилигини молиявий ресурслардан фойдаланиш ҳолатининг яхшиланганлиги ҳамда мамлакатимиз реал сектор корхоналарида солиқ юқини камайтириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ижобий таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «Корхоналарнинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўллари» деб номланган учинчи бобида корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқ базаси ва имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари ҳамда корхоналарда молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишда солиқ ставкаларини табақалаштириш илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Республикада корхоналар зиммасидаги солиқ юқини камайтириш, даставвал, қўшилган қиймат солиғини босқичма-босқич камайтириш, ижтимоий аҳамиятга эга товарларга пасайтирилган ставкаларни қўллаш ва мазкур товарларга акциз солиғини бекор қилиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарларга нисбатан импорт қилинадиган товарларга нисбатан акциз солиғини қўллаш амалиётини қисқартириш йўналишига қаратилиши мақсадга мувофиқ.

2014-2017 йилларда ёғ-мой комбинатларида жами ҳисобланган солиқларнинг сотишдан тушган соф тушумдаги улуши (солиқ юқи кўрсаткичи) 42,7 фоиздан 34,8 фоизга камайган ҳолда қўшилган қиймат солиғининг жами солиқлардаги улуши 25,1 фоиздан 29,1 фоизга ошганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатларида жами ҳисобланган солиқлардаги ҚҚС ва акциз солиқлари тушумлари улуши¹⁴

	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Жами солиқ миқдори, (ҚҚСсиз), млн. сўм	7633,7	11158,6	10098,3	10746,7	22133,9
Қўшилган қиймат солиғи миқдори, млн. сўм	4124,9	3743,0	3452,8	4562,1	9117,4
Акциз солиғи миқдори, млн.сўм	3493,3	6510,4	6339,1	5915,7	13632,3
Қўшилган қиймат солиғининг жами солиқдаги улуши, фоизда	35,0	25,1	25,4	29,8	29,1
Акциз солиғининг жами солиқдаги улуши, фоизда	29,7	43,6	46,7	38,6	43,6

¹⁴Муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатлари ҳисоботлари асосида тузилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, 2013-2017 йиллардаги ҳисоб-китоблар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ёғ-мой комбинатларида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 2 фоизга туширилиши (25000,2 млн. сўм/20*2) 2500,02 млн. сўмлик молиявий ресурсларнинг улар ихтиёрида қолдирилиб, улардан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, республикада билвосита солиқларнинг ўрни жуда катта, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғининг улуши жуда юқори. Масалан, 1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, ёғ-мой комбинатларида қўшилган қиймат солиғининг улуши 2014 йилда 25,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 25,4 фоизни ташкил этган, 2017 йилга келиб эса 29,1 фоизни ташкил этган ва барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб қолмоқда.

Бунга асосий сабаблардан бири қўшилган қиймат солиғининг солиқ ставкаларининг юқорилиги бўлса, иккинчидан, қўшилган қиймат солиғи маҳсулот нархи таркибига киритилгани боис келиб чиқмоқда. Маълумки ёғ-мой маҳсулотлари ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, аҳоли учун энг зарур бўлган маҳсулотлардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ёғ-мой комбинатларида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини пасайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Бу эса аҳолининг мазкур маҳсулотларни сотиб олиш эҳтиёжининг тўлароқ қондирилишига, шу аснода миллий маҳсулотга бўлган талабнинг ортишига олиб келган бўлар эди.

Шу ўринда акциз солиғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Маълумки, акциз солиғи ҳам қўшилган қиймат солиғи сингари маҳсулот нархи таркибига киритилиб, бу солиқнинг ҳақиқий тўловчиси пировард истеъмолчилар ҳисобланади. Бу эса мазкур солиқ турининг жами солиқлар ҳажмидаги улушининг ортишига олиб келмоқда. Иккинчидан, ушбу кўрсаткичга акциз солиғи ставкаларининг сезиларли даражада юқори бўлиши ҳам аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларда акциз солиғи улушининг кўпроқ бўлиши аҳоли истеъмол молларига бўлган талабнинг қаноатлантирилишига тўсиқ бўлиши мумкин. Масалан, ёғ-мой комбинатларида акциз солиғининг улуши 2013 йилда 29,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 38,6 фоизни, 2017 йилда 43,6 фоизни ташкил этиб, солиқ улуши барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Шу ўринда акциз солиғи ставкаларини ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар, жумладан, ёғ-мой маҳсулотларидан босқичма-босқич камайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу эса аҳолининг шу маҳсулотга бўлган талабининг ички бозорда қаноатлантирилиши ва импортнинг олдини олишга имкон яратади. Шунингдек, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси йилдан-йилга ошиб бормоқда, агар 2002 йилда мазкур солиқ ставкаси 2 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда 2,5 баробарга ошган ва 5 фоизни ташкил этмоқда.

Шунга қарамай, Қорақалпоғистон Республикасидаги реал сектор корхоналарида мол-мулк солиғининг ялпи фойдадаги улуши 2013 йилдан

2016 йилга қадар устун даражада ошиш тенденциясига эга бўлса, 2017 йилда мазкур улуш камайган (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасидаги реал сектор корхоналарида ялпи фойдадаги мол-мулк солиғининг улуши¹⁵ (фоизда)

	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Пахтани тозалаш корхоналарида	2,2	2,6	3,1	4,2	1,6
Ёғ-мой комбинатларида	3,1	2,8	2,8	3,2	1,4
Донни қайта ишлаш корхоналарида	3,0	3,0	3,9	2,3	2,4

Бунга 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Солиқ кодексининг 269-моддасига киритилган ўзгартиришларда мол-мулк солиғини ҳисоблашда давлат мулки объектларини сотиб олувчилар учун кўшимча имтиёзларнинг берилиши асосий сабаб бўлган.

Хусусан, юридик шахслар – давлат мулки объектларини сотиб олувчилар учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси давлат мулки объектларига тўғри келадиган солиқ суммасига камайтирилиб, бўшаган маблағлар хусусийлаштирилган объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларни ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш шарти билан мол-мулк солиғидан имтиёзга эга бўлдилар.

